

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзбекозиқовқатзахира” мева-сабзавот
маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш
корхоналари Уюшмаси раиси



З.О.Файзиев

2018 йил “ 5 ” январ

“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ва таклифлар
истиқболини белгилаш” бошқармаси

Н И З О М И

I. Умумий қоидалар:

1.1. Бошқарма “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмасининг (бундан буён Уюшма деб юритилади) функционал таркибий бўлинмаси бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3344-сонли қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқлаган тузилмасига биноан ташкил этилган.

Бошқарма ўз фаолиятини, 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларга қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли ҳамда 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги “Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 206-сон қарори ва ҳукумат топшириқлари талаблари асосида амалга оширади.

Бошқарма, ички истеъмол бозорини, энг аввало қиш-бахор даврида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум билан

барқарор таъминлаб туриш учун талаб ва таклифлар асосида уларни истиқболини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Давлат маслаҳатчиларининг топшириқлари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, йиғилиш баёнлари, кўрсатмалари, Уюшманинг буйруқлари, қарорлари ва топшириқлари ижросини ўз вақтида таъминлайди.

1.2. Мазкур Низом Бошқарманинг вазифалари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини белгилайди.

1.3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига, Олий Мажлис Палаталари қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек 2005 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 62-сон қарори ва фармойишларига, шунингдек Уюшмасининг буйруқлари, қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Бошқарма ўз фаолиятини Уюшма раиси раҳбарлигида амалга оширади ва унга бўйсунди.

1.5. Бошқарма ўз фаолиятини Уюшма марказий девонининг бошқарма ва бўлимлари, таркибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бошқарма вазифалари:

2.1. Бошқарма кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб ва таклифи истиқболини белгилашда қуйидаги вазифа ва масалаларни бажаришга қаратилган:

- қисқа ва узоқ муддатли даврларга кишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳудудлар бўйича ривожланишини аниқлаш;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг ҳудудий жойлашувларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий маҳсулотлар бозорини аниқлаш;

- республика аҳолисини тиббий меъёрларда мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини ҳисоблаш;

- захирага қўйиши лозим бўлган маҳсулотлар истиқболини, нарх-навосини аниқлаш бўйича ишлар ташкил этиб бориш;

- кишлок хўжалик экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмининг истиқболини белгилаш.

2.2. Ички истеъмол бозорини киш-бахор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш учун мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз маҳсулотлари харид қилиш юзасидан давлат буюртмасини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради.

2.3. Ички бозор конъюктурасининг маркетинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, давлат буюртмасига биноан кишлок хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари бўйича харид қилиш учун эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари ишлаб чиқишлигини мувофиқлаштиради.

2.4. Аҳолини ва бошқа истеъмолчиларни арзон нархлардаги мева-сабзавот маҳсулотлари билан йил давомида узлуксиз таъминлаш ва режа асосида сотиш учун ўрта ва узок муддатга башорат қилиш орқали Давлат буюртмаси параметрлари лойиҳаларини аниқлайди.

2.5. Давлат буюртмаси доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз маҳсулотлари харид қилиш бўйича контрактация шартномалари, уларда харид қилинадиган маҳсулотлар ҳажмларини ва турларини Уюшмага аъзо таркибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналарига етказди.

2.6. Давлат буюртмаси ҳажмлари ҳисоб-китобларини тайёрлашда давлат статистика органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ва Иқтисодиёт вазирликларининг фойдаланиш мумкин бўлган барча маълумотларидан, ташқи бозорларнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий ахборотдан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан олинган ахборотдан, шунингдек ички ва ташқи бозорлар конъюктурасининг чуқур маркетинг тадқиқотларидан фойдаланади.

2.7. Мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан давлат буюртмаси баланси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бажарилиши мониторингини олиб боради.

2.8. Давлат буюртмасини бажариш учун минтақада ёки туманда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми етарли бўлмаган тақдирда бошқа минтақалардан ёки туманлардан ортиқча етиштирилган ҳажмни жалб этиш чораларини кўради.

2.9. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда шаҳарлардаги аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб кишлок хўжалиги

махсулотлари учун Уюшманинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда кўшимча захира омборларини аниқлаш ишларини амалга оширади Уюшманинг тегишли бўлинмасига таклиф киритади.

2.10. Уюшманинг таалуқли бўлинмаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма Бош бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда контрактация шартномаларини бажарилишида иштирок этади.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига ҳамда Давлат Статистика қўмитасига белгиланган тартибда керакли маълумотларни тақдим этиб боради.

2.12. Уюшмага аъзо таркибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари томонидан келгуси йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар Дастурларини ишлаб чиқишда ва ижросини ташкил этишда иштирок этади ҳамда тегишли бандлари ижросини назорат қилади.

2.13. Бошқарма фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баёнлари, кўрсатмалари шунингдек Уюшманинг буйруқлари, баёнлари, қарорлари ва топшириқлари, тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Уюшмада электрон ҳужжат айланиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш юритишни ташкил қилади, уларнинг натижалари бўйича маълумотларни даврий равишда Уюшма марказий аппарати мажлислари муҳокамасига киритиб боради.

2.14. Бошқарув мажлисида кўрилаётган бошқармага таалуқли масалалар бўйича материаллар тайёрлайди.

III. Бошқарманинг ҳуқуқлари:

Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Уюшма номидан Бошқарма ваколати доирасидаги масалалар бўйича вакиллик қилиш;

3.2. бошқарма ваколатига доир масалалар бўйича белгиланган тартибда йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

3.3. ўзига юклатилган вазифалар, функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Уюшмага аъзо

корхоналардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

3.4. ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш учун асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан давлат буюртмасини шакллантириш ва бажарилиши бўйича таркибдаги корхоналарда олиб борилаётган ишлари юзасидан иштирок этиб, ўз таклиф ва кўрсатмаларини бериш;

3.5. Бошқарма хизмат доирасида йиғилишлар чақириш ва ўтказиш, бу йиғилишларга илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилот мутахассисларини жалб қилиш;

3.6. Уюшма раҳбариятининг топшириғига биноан таркибдаги корхоналар аҳволини ўрганиш, барча ҳужжат ва материаллар билан танишиш ҳамда мажлис ва йиғилишларида қатнашиш;

3.7. Уюшмага келган ҳужжатлар, ариза ва мурожаатларда кўтарилган масалалар Қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб берилган Уюшма ваколатлари доирасига кирмаса, уларни муаллифларига қайтариб юбориш;

3.8. Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича Уюшманинг бошқа бошқармалари билан зарурий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда иштирок этиш;

3.9. Раис ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳужжатларни бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Уюшмада тасдиқланган Регламент, Иш юритиш тартиби, ижро интизомини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, бошқарма ҳужжатларининг ижро муддатини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

IV. Бошқарманинг жавобгарлиги:

4.1. Бошқарма фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баёнлари, кўрсатмалари, Уюшманинг буйруқлари, баёнлари, қарорлари ва раҳбарият топшириқларининг ўз вақтида ижро этилиши учун жавоб беради.

V. Бошқарманинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш:

5.1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда шаҳарлардаги аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари прогноз параметрларини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган прогноз параметрлари бўйича ҳар чоракда зарур ҳолда маълумотлар киритиб боради.

5.2. Бошқарманинг тузилмаси Уюшма раиси томонидан тасдиқланади.

5.3. Бошқарманинг бошлиғи, ўринбосари ва мутахассислари белгиланган тартибда раис буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5.4. Бошқарма ишига бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиғи Уюшма бошқарувининг Раиси ва Раис ўринбосарларига бўйсунди.

5.5. Бошқарма ходимлари Бошқарма бошлиғига бўйсунди, унинг тавсиясига биноан Уюшма раиси томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

5.6. Бошқарманинг фаолияти Уюшма Низомига, Уюшмада иш юритиш бўйича Йўриқномага, Регламентга, Иш тартибига ва ушбу Низомга, раис ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Уюшма буйруқлари, баён қарорларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари асосида ташкил этилади.

5.7. Бошқарманинг иш режалари раис томонидан тасдиқланади.

VI. Бошқарма Уюшманинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари:

6.1. Бошқарманинг Уюшма таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари ушбу Низом ва таркибий бўлинмаларнинг Низомлари билан белгиланади.

VII. Бошқармани тугатиш ва қайта ташкил этиш:

7.1. Бошқарма белгиланган тартибда Уюшма раисининг буйруғи билан тугатилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

